

**Салимхон НАЗИРИЙ**

# **МУҲАББАТНИНГ ТУРФА РАНГЛАРИ**

**«НАМАНГАН» нашриёти  
2006**

## ИЗЛАНУВЧАН ҚАЛАМКАШ

Салимхон Назирий кўп йиллардан буён бадиий ижод билан шўгулланиб келаётган қаламкаш. Чархий, Чустий каби сўз санъаткорлари билан анча йиллар мулоқотда бўлган ва устодлар таълимини олган шоир асосан газаллар битади. Унинг дил тубидан чиққан самимий сатрларида она юртга, халққа бўлган сўнмас муҳаббат, вафо ва садоқат жўшиб куйланади.

Қаламкаш яхши шеър завқу шавқ билганини эмас, изчил изланиш, тинимсиз меҳнат, ўқиб-ўрганиш билан дунёга келишини яхши билади ва худди шу йўлдан боради. Унинг кўп йиллик меҳнати маҳсули бўлмиш бир неча шеърий китобларида ҳам бу нарса аниқ-тиниқ кўриниб турнибди. Шоирнинг қўлингиздаги «Муҳаббатнинг турфа ранглари» шеърий китоби ҳам сизда яхши таасурот қолдиради деб ўйлаймиз.

Охунжон Ҳаким.  
Ўзбекистон Ҳалқ шоири.

Ю 32905  
0

601 - 1307,36 - 1236200  
НГ----- 2006

602 - 6,0 - (12) - 06

20 08  
A 399

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston Mif

© Салимхон Назирий. «Наманганд» нашриёти.

**М У Б О Р А К**  
(Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига қасида).

Бугун диёр ўзгача, чирой очган бу чаман,  
Багри тўла қувончга, қутлуг катта анжуман,  
Шодликлардан энтикиб, ором олиб ҳар жон-тан.  
Кутлаб сени олқашлар, азиз она – ҳур Ватан,  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!

Завқи баланд азамат, пахтакору дечқоним,  
Илк ҳосилдан тўкиндири, дастурхонда бут ионим,  
Сени жаҳон таниди, қад ростлаган Туроним,  
Кулиб боқсан оламга, магрур Ўзбекистоним,  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!

Канча-қанча бемаҳал, ўтганларни ёд айлаб,  
Чирқиллаган армонли, арвоҳларни шод айлаб,  
Исломият дини-ла, юртни обод айлаб,  
Ақли идрок жўш уриб, Ватанини озод айлаб,  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!

Сенга етмоқ истаган Файзулло боболар чун,  
Кодирий, Усмон Носир, Фитрату Элбек учун,  
Чўлпонлар ўлган эмас, нияти бўлди бутун,  
Жанинати инсонларим, ҳурмати дейман бугун.  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!

Империя кишани бўлакланди чилпарчин,  
Мустақиллик тугига байроқ тикди элим чин,  
Ҳамкорлигу тинчликни авад халқим истагин,  
Мадҳингни дил тушибдан, куйлагайман мен бетин.  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!

*Сабр айласак шукронат, мاشаққатлар ўткинчи,  
Кўл ушласак мустаҳкам, бузилмагай эл тинчи,  
Омон тутган ҳаётнинг инсофу иймон синчи,  
Мисиг тўққиз юз тўқсан бир, моҳи мезон биринчи,  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!*

*Инишоолло ганимдан Тангри ўзи сақлагай,  
Янги-янги карвоилар йўлларимиз оқлагай,  
Эзгулик сари шахдам бизларни оёқлагай,  
Мусулмон қабул айлаб кўксидада ардоқлагай.  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!*

*Илму меҳнат завқидан фарзандлари шод юрган,  
Ўглонлари бўй чўзиб мурити сабза урган,  
Атлас кийган қизлари атири ҳидин уфурган,  
Кардошларга кўксин очиб мардона кулиб турган.  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!*

*Ал Фаробий, Фарғоний, Навоийлар аждодим.  
«Ал жабр»у, «Тиб қонун». «Илми ҳадис» дил ёдим,  
Эркин Воҳид, Турсуной, Абдуллашар авлодим,  
Сўз дурига омухта бу ҳуррамлик чин шодим.  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!*

*Юртимизда янграсин карнай-сурнай садоси,  
Ёр-ёрларга ҳамоҳанг доиралиниг овози,  
Омон бўлсин «Шашмақом», «Чўли ироқ» навоси,  
Эркли осмон мусаффо, доим тинчлик ҳавоси.  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!*

*Энди тарих соф тилда бизни очиқ кўр демас.  
Калбни сунъий карлигу, мутелик гами емас,  
Хушёр бўлиб сафларда равнақ топгин басма-бас,  
Назирий дер: биз учун Ватан ҳар он муқаддас,  
Истиқлолга эришган, ўн беш ёшинг муборак!*

**ВАТАН ШАХДИ**  
**(Жанговар құшиқ).**

*Биз азиз Ватанинни содиқ ўглони,  
Чин дилдан севамиз сени жонажон.  
Биз улуг элларни тинчлик посбони.  
Күриқлаб тургувчи ёвдан ҳар қачон.*

*Биз онғли муқаддас инсон фарзанди,  
Билимдон мард үйгит, құрқас вә жасур.  
Биз қардош халқтарни метин пайванди,  
Меҳридан тинчликка соча олган нур.*

*Нақорат*

*Бахш айла халқинга маҳорат, кучин,  
Хүшёр бүл доимо, құл тутыб аҳил!  
Муқаддас юртимиз равнақи учун,  
Олга бос, олга бос, олга бос дадил!*

*Биз агад бир бутун ботир, довюрак,  
Тинчликни сақлаган мудом ҳар ёпин.  
Биз доим пойлаган куну түн сергак,  
Табарруқ ҳур Ватан, еру осмонни.*

*Биз буюк саркарда Темур авлоди,  
Қон түкмай оламни одил забт этган.  
Биз суюк забитлар тинчлик бунёди,  
Шаҳд юриб мардана муродга етган.*

*Нақорат*

*Бахш айла халқинга маҳорат, кучин,  
Хүшёр бүл доимо, құл тутыб аҳил!  
Муқаддас юртимиз равнақи учун,  
Олга бос, олга бос, олга бос дадил!*

# ФАЗАПАР

## БҮЛМАҒАЙ

Гар ииятни яхши қилсанг бесамар кор бўлмагай,  
Хар ҳунарни эъзоз этган эл аро хор бўлмагай,

Тарбият айлаб ҳамиша билса ким дўст қадрини,  
Оқибат чекмас фигонлар меҳрига зор бўлмагай.

Ақлу одоб соҳибин бил, комил инсон ҳақ бўлур,  
Сўз дурида фикри тоза багри кенг тор бўлмагай.

Аҳли ошиқ соҳиби ким аҳди маҳкам бўлсалар,  
Англаки шиқ бобида ул бевафо ёр бўлмагай.

Беҳисоб ҳеч нарса йўқдир олам ичра билки сен,  
Куввати белинг мудом ҳам ҳар қачон бор бўлмагай.

Оҳ уриб айтар Назирий сизни огоҳ айлабон,  
Бундан ўзга асло эсиз умри тақрор бўлмагай.

## ОРАСТА БЎЛ

Дилбарим доим ҳаёт йўлида орастта бўл,  
Кўл тутиб ҳар яхши дўст меҳрига пайваста бўл.

Тарк этма ошнолигинг дилкушо меҳнат билан,  
Хар қачон эл олдида ишлари шоиста бўл.

Кўзлама манман каби давралар тўрини ҳеч,  
Комиллик ўзи баланд, майлига сен настда бўл.

*Мұхаббат бобида эй, ишқ әро содиқ санам,  
Ақдида тургувчи чин вафода сарбаста бўл.*

*Зоғ юриши қилма зинҳор, қоматим алиф дебон,  
Катталар қаршида сен дол мисол шикаста бўл.*

*Сүҳбати соҳиб эсанг бузмагин меъёри тил,  
Сўз дегил тўғри ва лек, баҳсида оҳиста бўл.*

*Назирий ният ила шукр әтиб ашъорни ёз,  
То авад назм богида муҳтасар гулдаста бўл.*

### **КАМ-КАМ БЎЛУР**

*Сен ўғил билсанг агар муддао кам-кам бўлур,  
Соз ҳунар соҳиблари аҳдида маҳкам бўлур.*

*Инсон эрсанг аввало эътиқод, иймонли бўл,  
Чунки улсиз оқибат бир куни бош хам бўлур.*

*Калб уйин рўшнаю пок, гар тутмолса ҳар киши,  
Доимо дўст ёрига сидқидил ҳамдам бўлур.*

*Соф ният, меҳнатда зўр, илми ҳам бўлса бутун,  
Йўлдаги ҳар бир қадам тўғрию шахдам бўлур.*

*Кун ажаб саҳро олов, тун муҳаббат қўйнида,  
Ҳар гиёҳ япроги лаб устида шабнам бўлур.*

*Тилни қилсанг эҳтиёт, фикр әтиб лутф айласанг,  
Сўз дури дурданаки, дилда ёргу шам бўлур.*

*Эй Назирий яхшилик меҳридан ашъорни ёз,  
Ёзганинг эл дардига доимо малҳам бўлур.*

## **ОДАМИ ЭРСАНГ АГАР**

*Одами эрсанг агар одам бўл номига хос.  
Чунки бу номдур улуг соҳиби инсонга мос,*

*Йўқ эрур сендан бўлак турфа хил жонзот аро,  
Фикр ила шу бошдаги ақлингни қилгин асос.*

*Бу ҳаёт йўлида чин манзилинг баҳт бўлса гар,  
Ҳар ишни ният билан аввало қалбингга ос,*

*Бўлгуси элга аён маззали омухталиг,  
Яхшига ·эргашгину, ёмонга қилма қиёс.*

*Бефаҳм нодон ажаб рўбарў ранж этса ҳам,  
Англа сен ожизлигин олмагин зинҳор қасос.*

*Истасанг умри азиз илм олу, меҳнатни қил,  
Дилни пок тутгин ва лек, гафлатдан этгин халос.*

*Назирий шукронга шод кўргандада дўстлар мудом,  
Юзлари олин ўпид меҳр ила багрингга бос.*

## **ОФТОБИМ МЕНИНГ**

*Неча кунлардан бери танда йўқ тобим менинг,  
Тарк этар туиларни ҳам орому хобим менинг.*

*Ўртаниб ишқ ҳажрида мен ётарман бемадор,  
Билмагай ҳолим сира аҳли аҳбобим менинг.*

*Дарди дил давосини сиррини айтай десам,  
Этмагай журъат ажаб хулқи одобим менинг.*

Ўй азоб дарёсида оқизар ваҳлар билан,  
Комига тортар гоҳи мавжи гирдобим менинг.

Қошимга қаҳ-қаҳ отиб келса ёр кошки эди,  
Ёритиб кўнглим уйин юзи офтобим менинг.

Эй сабо, арзим олиб ошиги зоримга ет,  
Бир келиб кетсун ушал дурри ноёбим менинг.

Байтларим куйга солиб борлигим шод айла ки,  
Номини согинч дегин фикри китобим менинг.

Айт Назирий аҳдини чин вафо инишосида,  
Ул учун баҳшида ҳар қиссайи бобим менинг.

### ДАВРОН КЕЛИБ

Эй, Ватан! Очдинг жамол, давр ила даврон келиб,  
Қад ростлаб топдинг камол, ҳуррият замон келиб.

Ўтмишинг эди армон, руҳ берди сенга дармон,  
Эрк тугин тутқазди шон, ҳақ йўлдан имкон келиб.

Тугини тутиб қўлга, ипак йўл-ризқи мўлга,  
Карвони чиққан йўлга, шерюрак сарбон келиб.

Эл, Хизир назар қилди, халқим ўзлигин билди,  
Бошга баҳт тожин илди, меҳрибон ўглон келиб.

Ҳазрати Бобимни шод, айлади, этди обод,  
Паҳлавон илми зиёд, Рустами достон келиб.

Сен ўзинг асли азал, борлигинг жаннат гўзал,  
Шаънингга ёзган газал, шоири шеърхон келиб.

Юрт оша тўй, тантана, ўн ёшга тўлдинг мана,  
Назирий қутлар яна, қошингга шодон келиб.

## МАРД ЎГИЛ, ШИРИН ҚИЗИМ

Файз тўла оқшом бугун, менга боқ шодон юзим,  
Кутловим айтай бу кун, меҳр ила кўрсип кўзим.

Хуш этар сизларни ёш, тақдирни ҳусни наққош,  
Кундузи ҳатто Куёш, тундаги ой, юлдузим.

Бўлмайин асло йироқ, йўлингга ёққан чироқ,  
Устозинг берган сабоқ, ўзгамас бу мен ўзим.

Сен учун баҳтлар тилаб, пешонанг ўпид, силаб,  
Неки бор яхши тилак, айтайнин газал, сўзим.

Икки тан сен дуру лаъл, турмушинг бўлсин асал,  
Кетмасин ҳеч бемаҳал, дўсту ёр ёндан тизим.

Қалб уйиниг нурга тўлиб, кўпайиб, шод улгайиб,  
Бир умр хуинуд бўлиб, ортда қол авлод, изим.

Дилдаги бор муддаом, жам қилиб айтсан калом,  
Бахтга ёр бўлгин мудом, мард ўгил, ширин қизим.

## ШОИРУ УСТОЗ АТАБ

(Узтоз Оҳунжон Ҳакимнинг 70 йиллигига)

Ассалом, эй покиза соҳиби наслу наслаб,  
Хулқи хуш ибратга кон, борлиги илм адаб.

Қомати зукко-ю хўб, жуссаси малак сифат,  
Багри кенг мўмину лек, қалби пок иозики таъб.

Инсони комил эрур, билганим сухбат аро,  
Сухани гавҳар мисол дур тўкар очганда лаб.

*Хар калом ҳалво қадар, танга наф, лаззат берур,  
Лутф ила малхам этар дилга тил меҳрин қадаб.*

*Чеҳрайи оллар тиниқ, юздан ҳур нурлар ёғар,  
Шул сабаб меҳри тўла тўймагай кўзлар қараб.*

*Сизни эл, бу юрт Ватан, то абад эъзоз қулур,  
Одами олийжаноб, шоиру устоз атаб.*

*Ситқидил қутлаб дегай, ки Назирий ушбу кун,  
Холиқи яктодан шул етмишига юзни тилаб.*

### **КЎНГИЛ ПИРИ**

*Эй латиф сўзи ширин, сўзи ҳам ўзи ширин,  
Бор ширинлар ичидан, сени суйдим яширин.*

*Қайда бир ширин калом, бўлса гар ул яхши ном,  
Эшишиб бордим мудом, ахтариб бирин-бирин.*

*Фикр ила ҳикмат тўқиб, қай бирин сўзин уқиб,  
Минг маъно олдим ўқиб, кўзларим ташлаб қирин.*

*Оҳ уриб мен нечалар, нурли кун, тун кечалар,  
Ўтди умрим қанчалар, билмайин бу ишқ сирин.*

*Согиниб номингни гар, тилга олсам ҳар сафар.  
Оғзимдан анқиб чиқар, бўйи хуш гул настарин.*

*Мени чин ошиқ билиб, ҳолима шафқат қилиб,  
Лоақал лаҳза келиб, дилдан ол бу гам кирин.*

*Дер Назирий пок юрак, излаб кўп эзгу тилак,  
Топмадим Ҳақдан бўлак, ўзга бир кўнгил пирин.*

## ЧАМАН ЧОДАК

*Келиб фасли баҳорим бу бўлди гулгун чаман Чодак,  
Улуг масканлари ҳар кун шаҳардек анжуман Чодак.*

*Хавасли соғ юраклардан, боқар дўстона кўзлардан,  
Тасанинолар ила ҳар дам олган олий самон Чодак.*

*Жаҳон таърифини билгай аниңг меҳмоннавоз аҳлин,  
Равон ҳар икки тилларда қиласиширип сухан Чодак.*

*Чин ўғлон, қизларинг чўлда ҳалол мардона меҳнатдан,  
Килиб обод қадим юртни фаравон айлаган Чодак.*

*Ювиб маъданларни тоза, тиниқ чашма суви бирлан,  
Буюк юртга тутиб турган ўзинг тиллө лаган Чодак.*

*Кучогингда қавмлар кўп бобо Лутфий назар солган,  
Камол топсин ҳамиша ким бағрингда илму фан Чодак.*

*Заминингда сени сақлар чоҳор туғи саҳобанг бор,  
Муаррихлар баён этган Бухорою Яман Чодак.*

*Назирий назм аро дерким мудом таъзимда ёд айлаб,  
Гулистон мадҳига монанд азиз кўҳна Ватан Чодак.*



## ЯХШИДУР

*Мавжуд ўлса ҳар юракда ишқ ила жон яхшидур,  
Маъсуд этмоқ чун бу жонга битта жонон яхшидур.*

*Сақлаб ошиқ қалбда пинҳон ўз вафосин тутса гар,  
Марҳами чин бирла қилган аҳду паймон яхшидур.*

*Рўбарў келганда кўзлар кулса аста шарм этиб,  
Билки боис баҳш этолган танга дармон яхшидур.*

*Хуш тақаллуф айлабон саир этгали ул нозанин,  
Чиқса туналар сен билан шул нурли осмон яхшидур.*

*Турса шодон чеҳраси гул ёр ёнингда ҳар маҳал,  
Суҳбати соз айламакка комил инсон яхшидур.*

*Баҳси шоир ичра мунис тоза дилни хушлабон,  
Мадҳ этолса ҳақда ҳар бир тил газалхон яхшидур.*

*Тарих ичра кўп улугдур тўҳфа этсанг яхши сўз,  
Назм аро аҳли қаламлар битса достон яхшидур.*

*Лутф этармиши ким Назирий таъзимла хуш кўкс очиб,  
Бу гариб қулбамга ҳар кун келса меҳмон яхшидур.*

## **НИГОР ЎЛДИМ**

*Таваллудим топиб эй дўст қирқи волидда бор ўлдим,  
Англаб ёдгорлигим аста иложсиз гамга ёр ўлдим.*

*Риёзатлар чекиб почор, тирик дунё аро ўсдим,  
Бўлиб бечора дил хаста, ота меҳрига зор ўлдим.*

*Абад яхшига юз боқдим, ёмон инсондан ор этдим,  
Ва лекин аҳли орифга закишу дил нигор ўлдим.*

*Маниким бу забун толе фалак чархига солди кўн,  
Кўриб хил турфа олами гоҳи кенг, гоҳи тор ўлдим.*

*Латиф лафз айласам билмас, ажаб осий аъмолар воҳ,  
Киши қадрига етмас ул подонлар ичра хор ўлдим.*

*Умид бирла қаёни борсам қўлимдан тутди фозиллар.  
Илм сарчашибдан ҳар дам қоимоққа интизор ўлдим.*

*Умр ўтгайки тир янглиг ҳаёт бўстонида ҳар он,  
Шукрким дину иймонга чинакам барқарор ўлдим.*

*Мудом соғф эзгу йўлларда шикаста дил Назирий дер:  
Даҳр дарулфано ичра нетай мен хокисор ўлдим.*

## **ИЗЛАГАНИМ ЯХШИЛИК**

*Эшигтганим, күрганим тариху давр бўлди,  
Менга борлиқ гоҳ равшан, гоҳида абр бўлди.*

*Тонглар отар, ой ботар, кунма-кун ҳаёт ўтар,  
Тўхтамас вақт онлари умримга қаҳр бўлди.*

*Турфа хил дунё ажаб, сеҳрли макон экан,  
Кимларга роҳат баҳшу, кимларга жабр бўлди.*

*Ҳар дам ганиматликни англадим ақл боис,  
Дарду гам ошино онлар суюнчим сабр бўлди.*

*Чорасиз ожиз нетай, не шоҳу гадолар ҳам,  
Сўнгги саноқ етган кун ер аро қабр бўлди.*

*Аҳли иисон ичра мен, хокисорман, шод мен,  
Олганим оромижон, берганим меҳр бўлди.*

*Дилга иймон, тилга сўз, илму ризқ берган ўзи,  
Соҳиби оламга чин айтганим шукр бўлди.*

*Нияти пок Назирий Ҳақни айтар ҳамиша,  
Излаганим яхшилик, топганим қадр бўлди.*

## ДИЛНИ ЁР ЭТДИМ

*Ҳабибим ҳар қачон танҳо ўзингга дилни ёр этдим,  
Забоним зикрида номинг суйиб кунда ҳазор этдим.*

*Меҳр нуринг кириб кўксим тубига солди рўшнолик,  
Кўнгил кўзимни шул боис бекину бегубор этдим.*

*Кўлим очиб ибодатга мудом илму ҳунар тутдим,  
Ният нафини билмакни ўзимга касбу кор этдим.*

*Вужуд меҳробида пок жой аро ул гавҳари қалбим,  
Мусаффо айлаган инсоф ила иймонни бор этдим.*

*Ажаб хил сирли оламки гуноҳни бут тўсиб бўлмас,  
Кўзим тушса доим тавба демакни ихтиёр этдим.*

*Юзим бурдим яқом ушлаб яна шайтон намолардан,  
Кули нафс беҳаёлар чун назар заҳрини хор этим.*

*Аё Раббим ёмонлардан йироқ сақла ки то охир,  
Аларни мен куфор сўзин эшишмоқликдан ор этдим.*

*Умид бирла мурод истаб умр ўтди ҳалол дўстлар,  
Ризоий Ҳақ йўлида чин азиз жонни нисор этдим.*

*Фақир ўлсамда борлиққа абад ибрат билан боқдим,  
Ҳаёт мазмунига ҳар дам чинаҳкам эътибор этдим.*

*Яратган Тангрига шуқрин бажо айлаб Назирий дер:  
Ҳамиша «дил баёру бу икки дастни бакор» \*этдим.*

---

\* Ҳазрат Нақшбандий таълимотлари.

## ХУШХОН ЭЛИМ

*Сен буюк кўҳна, муқаддас тарихи достон элим,  
Хур Ватан, она заминни айлаган бўстон элим,*

*Аззалий аҳли тамизлар ичра бир офтоб мисол,  
Қалб нури қилган мунаввар меҳр ила ҳар ён элим.*

*Чин ҳалол касбу ҳунарда меҳнатин маҳсули мўл,  
Кўли гул, марду сахийсан бағри кенг деҳқон элим.*

*Илми тил ҳикматга ҳамдам соҳиби лутфи латиф,  
Оlamу эллар ичида сен ўзинг хушхон элим.*

*Хўб чунон меҳмоннавозсан, хулқи хуши дилкаш кўнгил,  
Шул сабаб асло қошингдан кетмагай меҳмон элим.*

*Тарбият берди жаҳонга Хамсаю, Панж ганж, Ҳадис,  
Ҳар сўзи дурга баробар шоири шеърхон элим.*

*Кун оша оишин баландлаб баҳт томон парвозларинг,  
То абад толе қушингга тегмасин мужгон элим.*

*Шукронга айтар Назирий, эй азиз сен юрт учун,  
Садқалар бўлсин ҳамиша тандаги бу жон элим.*

## ИНСОН БҮЛАК

*Бир бутун олам яралмиш ер бүлак, осмон бүлак,  
Үн саккиз минг олам ичра сон бүлак, инсон бүлак.*

*Кенг жаҳон мулкида ташо соҳиби қудрат ўзи,  
Айланар чархи фалакда кон бүлак, имкон бүлак.*

*Ҳок, олов, обу-ҳавони сеҳридан қилган бино,  
Бу тирик боги заминда жон бүлак, макон бүлак.*

*Ҳар гиёҳ тупроқда аввал ризқ тугар майса бўлиб,  
Охири айро тушар ул дон бүлак, сомон бүлак.*

*Кайга боқсам бўлди ибрат сирли дунё мен учун,  
Бир-бираига ўхшамас тўрт ён бўлак, томон бўлак.*

*Шунчалар мушкул бўлурму турфа хилликни билиш,  
Ҳар вужуд иссиқ томирда қон бўлак, мужгон бўлак.*

*Барча жонлар чин улуғи Ҳазрати Садам яшар,  
Унда мавжуд битта тан лек, шайтону иймон бўлак.*

*Гар умидли фарзанд эрсанг шукр этиб қадрига ет,  
Ота-она бирла ўтган он бўлак, замон бўлак.*

*Эй Назирий ҳеч адашма бил ониким то агад,  
Тиги ақлинг бирла ажрат яхши-ю ёмон бўлак.*

## СҮЗЛА САНАМ

*Сүзла санам, сүзла санам дўсту ёрлардан,  
Кўнгил оппоқ юрагида меҳри борлардан.*

*Ҳасратни қўй баҳтдан гапир, шодларни чақир,  
Бир-бирига қадрдан ҳам баҳтиёрлардан.*

*Суҳбат аро жам бўлайлик, хушнуд бўлайлик,  
Диллар дилдан баҳра олсин шу дилдорлардан.*

*Кўзлар кулиб, завққа тўлиб мадҳлар этайлик,  
Элга ёққан яхши-яхши касбу корлардан.*

*Муҳаббат, ишик мавзу бўлсин, соҳиблар ўша,  
Бир умрга аҳдга содиқ вафодорлардан.*

*Бахш айлайлик қалбга қувонч, орому ҳузур,  
Баҳси баланд бўлган яна чин ашъорлардан.*

*Назм богига чорлаб мудом Назирий айтар,  
Кўнгил узма сира мендек хокисорлардан.*

## САВОЛЛАР БОР

*Кўнгил мулкида билмасман яна не-не хаёллар бор,  
Жавоб бермакка тил ожиз этар қанча саволлар бор.*

*Не асрорки қаро туилар ажаб кўзларда хобим йўқ,  
Халоват ўрнида ондин оқар оби зилоллар бор.*

*Умрининг ортига бир дам қараб гар сарҳисоб этсам,  
Бемавруд ўтган онлар чун билмам қандай заволлар бор.*

*Дилу тан пок этиб ё Раб, юракдан илтижо этсам,  
Кошим узра малак янглиг авғ этгувчи жамоллар бор.*

*Нигоҳим қаршида пайдо җаёт маъносини кўрдим,  
Бир ёнда жабр ила ситам, бир ёнда баркамоллар бор.*

*Эссиз ношукру нодонлар қолиб гафлат ўтида воҳ,  
Очилмасдан ҳали гунча сўлиб ётган ниҳоллар бор.*

*Кули нафс бесавоб банда, имонсиз ҳолича додким,  
Куяр дуд дўзахи оташ аро қоши ҳилоллар бор.*

*Магар одами зот эрсанг мудом ибрат билан кўз оч,  
Ки сен ўша назар қилмас гариб кўнгил ҳалоллар бор.*

*Кўлингдан келса гар доим тирик чогингда ҳиммат қил,  
Дуоси тиллодан ортиқ бу дунёда уволлар бор.*

*Ниятда эй Назирий ки, сира Ҳақ ўйлидан қайтма,  
Аёнки бир куни албат етишмоқлик висоллар бор.*

### **МУДОМ ИККИ АРО БЎЛДИМ**

*Кечакундуз бу дил огоҳ, қилиб нола чекар минг оҳ,  
Замона зарбидан э воҳ, юрак бағрим яро бўлди.  
Бу қандай ҳолки вайронлиг, на кофиру мусулмонлиг,  
Дилимда абри ҳайронлиг, кўриб кўнглим пора бўлди.  
Хароб қалб бу каби ҳолдан, ёмон омухта аҳволдан,  
Кечиб ночор хушранг олдан, юзим мотам саро бўлди.  
Меҳрли кўп шараф-шоплиг, қани у дўст-қадрдонлиг,  
Ажаб мендан гулистонлиг кетиб акси саҳро бўлди.  
Танамдан гам ўти сачраб, қиёс девонадек Маишраб,  
Эссиз гулчеҳрадан ажраб, кўнглим сўлгин сафро бўлди.  
Назирий чиқмаган жондан, умидни яхши-ёмондан,  
Тилаб инсофни ҳар ёндан, мудом икки аро бўлди.*

## ЮЗЛАРИ ОЛИНГ

Чин эъзоз ҳурматини қил ҳар он аҳли аёлингни,  
Онаю қиз, она-сингил, ўша юзлари олингни.

Йироқ кетма ўтар фурсат яқинлар ёнидан асло,  
Очилсин ҳар қачон кўнгил дариг тутма висолингни.

Хаёт карвонидан ахтар, чин ошиқ, дўсту ёрлар тои,  
Умр қадрин унумта бил, йўқотмасдан мажолингни.

Омон сақла азиз дўстинг, тузат ҳар он каму кўстинг.  
Сира дилларни дод этма букиб қадди ишолингни.

Такаллум ҷогида доим самими чеҳралар кулсин,  
Кувонсин то абад кўзлар, кўриб юзларда холингни.

Этолсин бахширасо ақлинг ҳамон ҳар кимсага ором,  
Вужуди пок ҳузур қилсин татиб тилдаги болингни.

Назирий элни шод айла мудом ширин калом айлаб,  
Кўлинг кўксингга қўйгину кейин айт сўз, саволингни.

## РУХИЙ МАЛАГИМ

Кудрати улуг, сирли фалагим,  
Борлиги ёруг, руҳий малагим.

Кўнглимдаги нур, мудом талпинур,  
Ўзингга соғ бу эзгу тиласигим.

*Номинг тилимда, завқинг дилимда,  
Меҳнатла ҳар он толмас билагим.*

*Килган жон ато, ўзингсан танҳо,  
Мени билгувчи кимга керагим.*

*Қалбимда иймон, жодур бегумон,  
Аёнки танда бўлмас ҳалагим.*

*Ёдгор умидли, шукри туфайли,  
Сен борки ошино оппоқ юрагим.*

### **КАДР БИЛСАНГ**

*Агар дўст қадрини билсанг хабар топгин йироқлардан,  
Яқин деб беписанд бўлма яна равшан чироқлардан,*

*Карогинг қаршида қалбдан латиф лутф айлабон баҳиш эт,  
Ҳамиша баҳраманд бўлгин азиз дилгир сўроқлардан,*

*Бу олам рўбарў қилгай иложсиз кўп галатларга,  
Сира ранг олмагин зинҳор ўша сунъий бўёқлардан.*

*Кўриб қулма, яқонг ушла, алар озоридаи ор қил,  
Дилидан ул меҳр қочган тақоббур тум тароқлардан,*

*Боқиб подон юзига ҳеч ўзинг ҳаргиз увол этма,  
Дариг тутгил сўзинг ҳар гал эшиитмас кар қулоқлардан.*

*Юрагинг тўлса гар мардум, сўраб кўргин ҳаёт дардин,  
Заранг тош бағрини ёрган суви биллур булоқлардан.*

*Улуг остоналар ҳокин олиб ўп эй, Назирий ким,  
Оёқ узма ҳамиша ул сени сўйган қўноқлардан.*

## ФАСЛИ БАҲОРИ БИЛАН

*Келди Наврӯз ўлкам узра, фасли баҳори билан,  
Уйготиб ҳар ённи кўклам, васли бедори билан.*

*Боди мавж шамс, тафтидан ер, багрини завқ чок этиб,  
Лабболаб шўх тўлиб оққан, оби анҳори билан.*

*Очилиб кулди бинафиша, бойчечак тог багрида,  
Юз жилода мисли баҳмал, майса гулзори билан.*

*Хонниш айлаб дилни хушлар, турли қушлар бօг аро,  
Чах-чахин авжин баландлаб, нағма, гулёри билан.*

*Чиқди пешвоз кутгали хўб, ушлашиб қўл аҳли ишқ,  
Неча булбул гулга монанд, ошиқи зори билан.*

*Минг шукурлаб ушибу кунни, қучди эл чин шодмон,  
Илк бор озод бу Ватана, тўю ёр-ёри билан.*

*Кутлагай ким мадҳ ила хуши, сенга ашъорлар битиб,  
Назмини куйлаб Назарий, қўлдаги тори билан.*



## ЭЪЗОЗИМ БОР

«Яратган тангрига шукрим, чин ихлос дил эъзозим бор»\*,  
Менга берган бу бетакрор, ўзимга хос овозим бор.

Хамиша танга завқ солган, ҳаёт маъносини суйдим,  
Кўнгил гуллар баҳор янглиг, дилимда нурли ёзим бор.

Юракнинг пардасин чертиб, ҳаёт оҳангига солсам,  
Ширин қўшиқ, тилимда сўз, қўлимда нозли созим бор.

Коларга мендан эй олам, қасири молу дунём йўқ,  
Муқаддас тўғри ҳақ йўл ҳам, газал шеъру баёзим бор.

Тириклик маскани ичра худодан ўзга йўқ бекам,  
Ўзи англар фақат ёлгиз, менинг не кўну озим бор.

Назм бўстонида ҳар гал, тавоғ айлаб Назирий дер:  
Муқумий, Чархию, Чустий, Ҳабибийдек устозим бор.

## ЯХШИЛИК

(Полковник шоир Ўринбой Кўлдошевга)

Биз учун маъбуд яратди, еру осмон яхшилик,  
Кундузи Шамс, тунга монанд моҳитобон яхшилик.

Меҳр ила айлаб мунаввар, қилди ушибу кенг жаҳон,  
Нур сочиб туфроқ юзини бугу бўстон яхшилик.

Топди лозим сени саркор, об-ҳаётни баҳши этиб,  
Ўн саккиз минг олам ичра, аҳли инсон яхшилик.

---

\* Чустий сатри

*Соҳиби сиймода танҳо ва яна хуш сийратинг,  
Сийнаи покингда иймон, турса виждон яхшилик.*

*Сенга берди ақлу идрок, ҳам зиёда ҳиссиёт,  
Чин ҳабиблар доимо ким, юртга пособон яхшилик.*

*Яхши дўстни қадрини бил, шукрини қил то абад,  
Матлабинг бўлсин шиордек, элга достон яхшилик.*

*Эй Назирий кўп ўқинма, фақру мискинман дебон,  
Билки ҳар ашъор сенинг чун, хайру эҳсон яхшилик.*

### **НАСАБДАНДУР**

*Не хислатким етушгуси азал наслу насабдандур,  
Муродга ҳам эришмоглиқ яна орзу талабдандур.*

*Тананг таркибида ҳолат бўлар бир кунда юз турлик,  
Неки ҳушёр, паришонлиг ҳамон бошдан, асабдандур.*

*Путур етса агар ногоҳ шиша янглиг кўнгил ичра,  
Билинг албат заҳар томган ёмон тил бирла лабдандур.*

*Вужудни қамраса шайтон кўтаргай дардни исёнин,  
Хуруж қилган бу бетоблиг касал фикру газабдандур.*

*Зиё истаб тополмасман, гоҳи кундуз кўзим бедор,  
Дилимда ёнган оромим кўпи шам бирла шабдандур.*

*Чин инсонда камол топгай мужассамлик ва бекамлик,  
Фаросат ҳам, заковат ҳам, ўша ақлу адабдандур.*

*Назирий назмида ҳар он баён этгай ҳаёт шукрин,  
Яралмишки асил насли тоза хуш ҳолу табдандур.*

## АЗИЗИМ

*Азизим излама баҳтни паришон ҳар қаёнлардан,  
Еннингга беписанд боқма, сўраб аҳли аёплардан.*

*Назар сол доимо ортга, ҳуипёр бўл, беилм бўлма,  
Ҳаёт ҳақ нисбатини ол, бўлиб ўтган баёнлардан.*

*Кошингга келса гар подон, мудом огоҳни тут, чунки,  
Алар азалий фарқ этмас, аниқ нафни зиёнлардан.*

*Синовдан ўтмаган дўстга, сира сирингни фоши этма,  
Дили қулфинг очиб ҳаргиз, гапирма ҳеч гумонлардан.*

*Ақлнинг соҳиби бўлсанг, яқинлик қилмагин зинҳор,  
Нироқ юргин ҳамиша ул, сўз айтгувчи чаёнлардан.*

*Адамма алданиб асло, тагин маккор дучор ўлса,  
Бўлиб мафтун сабоқ олма, ўша ранги сомонлардан.*

*Кўзинг қаршида бу олам, текин дунё кўринса ҳам,  
Қадам босма ҳазар қилгил, йўли эгри томонлардан.*

*Асил инсон сўзини айт, ҳар он хайжар каби тўғри,  
Назарий чин ҳалос айла, элингни сен ёмонлардан.*

## ЁРДАН ТОПАР

*Ҳар киши баҳт маҳсулин тоза касб, кордан топар,  
Меҳнат айлаб завқини ул мададкордан топар.*

*Истаса ҳар некини эзгулик йўлида ким,  
Соҳиби содиқ эса дўст ила ёрдан топар.*

*Бахи этар күрк эл аро, хулқи хүш кимса мудом,  
Комил инсон аввало номусу ордан топар.*

*Турфа дунё ҳиссиию, нозик дил эъзозини,  
Хушёёр инсон кўз эмас, қалби бедордан топар.*

*Бўлса гар одами зот, эътиқодли ўзга мос,  
Кўнглида чин муддао, яхшилик бордан топар.*

*Дейдилар зар қадрини, доимо заргар билур,  
Шоир дер: Сўз дуррини билган ашъордан топар.*

*Эй, Назирий, обод эт, назму ишқ бўстонини,  
Излаган одам сени шу чаманзордан топар.*

## **МУХАММАСЛАР**

**БУ КЎНГИЛДУР - БУ КЎНГИЛ**

*(Лутфий газалига мухаммас)*

*Турфа садо қиласидирган бу кўнгилдур - бу кўнгил,  
Яхши нидо қиласидирган бу кўнгилдур - бу кўнгил,  
Шоҳу гадо қиласидирган бу кўнгилдур - бу кўнгил,  
Не муддао қиласидирган бу кўнгилдур - бу кўнгил,  
Нозу низо қиласидирган бу кўнгилдур - бу кўнгил.*

*Ҳарна қилсанам маъмур этмас тўлмагай кам, не илож,  
Мақбул эрмас тўрт томондан топганим ҳам, не илож,  
Ҳар қаёндан изласам йўқ монанд ҳамдам, не илож,  
Шунчалик мушкул бўлурму йўқса малҳам, не илож,  
Жонни жазо қиласидирган бу кўнгилдур - бу кўнгил.*

*Бермай ором кўзларимдан олган уйқу тунлари,  
Изтиробдан юзларимда сувли қайгу тунлари,  
Дилга саншиб кўп согинчлар зарбини бу тунлари,  
Кўймайин киприк қоқишига тим қоронгу тунлари,  
Ғаму газо қиласидирган бу кўнгилдур - бу кўнгил.*

*Ўзгадинмас кўр ўзингдан дарди ишқини воласин,  
Чашми селобингдан, оққан мижаларни жоласин,  
Бемаҳал гоҳ бошга эккан оппоқ мўйлар толасин,  
Гоҳ қизартириб бўяған ҳам ранги юзлар лоласин,  
Сўзу сазо қиласидирган бу кўнгилдур - бу кўнгил.*

*Нечун бу дил бутун эрмас, ҳазор пора, э Лутфий,  
Хақ маъвосин тўлмогига борму чора, э Лутфий,  
Назирий дер ҳазин тортшиб ҳабиб ёра, э Лутфий.  
Манзил томон етаклаб ул бора-бора, э Лутфий,  
Охир адo қиласидирган бу кўнгилдур - бу кўнгил.*

**СИЗГА ИЛИНДИМ**  
*(Дўстим Муҳаммад Юсуфга)*

*Ҳар келганда фасли баҳор вақти чоғларда,  
Гул юз очиб кулган маҳал ҳамма ёгларда,  
Авжи баланд атири ҳидли гўзал боғларда,  
Булбулларнинг сайрогини Сизга илиндим,  
Кўнгилларнинг яйрогини Сизга илиндим.*

*Куёш кулган оппоқ нурли шодон куиларим,  
Сизни ўйлаб шому саҳар бедор туиларим,  
Дил ўртаниб қўмсаб айтган оҳу уиларим,  
Согинчларнинг сўргонини Сизга илиндим,  
Овунчларнинг адогини Сизга илиндим.*

*Олам завққа тўлган дамлар қўшиқ, яллалар,  
Хаёлимда шеъру газал мени аллалар,  
Ойдин кеча кўкка боқиб хушнуд паллалар,  
Юлдузларнинг ҷарогини Сизга илиндим,  
Имконларнинг яргонини Сизга илиндим.*

*Кўз интизор қўлларимда гуллар тумтиб мен,  
Ўтди ҳанча ойу йиллар йўллар кутуб мен,  
Кўпгил тўлиб, дил энтикиб согинч ютиб мен,  
Нигоҳларнинг қарогини Сизга илиндим,  
Сабрларнинг ардогини Сизга илиндим.*

*Юракда ишқ, дардларимни билар зоҳирим,  
Лутфи латиф сухандоним сўзга моҳирим,  
Лоақал бир келиб кетинг азиз шоирим,  
Сўзларимнинг қаймогини Сизга илиндим,  
Юрагимнинг ямогини Сизга илиндим.*

*Мұхаббатга ташна танам күн сайин баттар,  
Билмам Сизсиз ҳолим мени не бўлар, қайтар,  
Яхшиликка ошино фақир Назирий айттар,  
Ошиқларнинг ёногини Сизга илиндим,  
Кувончларнинг қучогини Сизга илиндим.*

### **СЕНДАН ЎЗГА...**

*Сендан ўзга юзи рўшино топмадим,  
Дилга монанд ёру ошино топмадим,  
Мулки сўзда лутфи доно топмадим,  
Бундин ортиқ бўйи нано топмадим,  
Олам ичра тури маънио топмадим.*

*Меҳрингга мен ошиқ бўлиб қолдиму,  
Яхши ният арзин аҳдга олдиму,  
Ишқ, вафоин пок кўнгилга солдиму,  
Ҳақ йўлингда оппоқ ўйга толдиму,  
Лек сенингдек ҳусни барно топмадим.*

*Чин мұхаббат бирла ғулёр ахтариб,  
Жисм аро ұар лаңза ұшёр ахтариб,  
Тұнлари нам күзи бедор ахтариб,  
Нури осмон ичра минг бор ахтариб,  
Сендан үзга нури жило топмадим.*

*Раҳми дил үйқ башқа ваҳо сен каби,  
Багри кенг үйқ башқа даҳо сен каби,  
Бўлмагай ҳеч олий баҳо сен каби,  
Асло үйқдир башқа танҳо сен каби,  
Олам узра үзга аъло топмадим.*

*Сенга ё Раб борлиқ қилур таманно,  
Э улуг ном қудратингга тасанно,  
Бор тирик жон рукуда ҳамду сано,  
Дер Назирий шукронда айтган мано,  
Сендан бўлак дардга даво топмадим.*



## МАВЛОНО МУҚИМИЙГА

Меҳринг қўумсаб топа олмай кўзлардан,  
Монанд излаб на бегона, ўзлардан,  
Таскин топдим газал ёзиб сўзлардан,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.

Сенда фақат мени эсу ҳушларим,  
Талъатингни кўрар ширин тушиларим,  
Муҳаббатинг бирла кайфу хушиларим,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.

Сенсиз ўтар фоний умр, кунларим,  
Ўртанаар тан, ороми йўқ тушиларим,  
Раҳм айлагин, оҳим эшиш унларим,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.

Ажаб ҳар он кўз ўнгимда пайдосан,  
Ўзинг борим банд айлаган шайдосан,  
Калбим ичра пок ҳам азиз жойдасан,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.

Нечун мени қадримга ҳеч етмассан,  
Лоақал бир келиб парво этмассан,  
Ёки шодмон, ё ўлдириб кетмассан,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.

Багрим тиглар ижроси йўқ фармонлар,  
Раиж туфайли жондан кетгай дармонлар,  
Нетай эссиз дилда қолди армонлар,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.

Куйлай-куйлай ишқинг охир ночоринг,  
Бу дунёдан ўтар мискин абгоринг.  
Муқумийдек қолар сўзи Ёдгоринг,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.

## МАВЛОНО ҲАЗИНИЙГА

*Ганжу меҳр ила жоним ишқингдан ўзинг қургин,  
Бу гариб дил уйимга кошона тонг отгунча.*

*Нақшин сўзларингдан чиз то ўлгунча кетмасин,  
Юрагимга сен наққош жонона тонг отгунча.*

*Танҳо юлдузим, ойсан, тунларим ёритгувчи,  
Айтган чин қарор аҳдим, паймона тонг отгунча.*

*Багрим тўлдириб қучгин, рухсоринг юзимга қўй,  
Хуш лутфи латифлардан сен қона тонг отгунча.*

*Қалбимни нурафшон эт, лутф ила даволар қил,  
Оромим олиб тургин осмона тонг отгунча.*

*Шоҳона газалларни қадрига етарлар кўп,  
Айтсам оҳларим кетгай, ҳар ёна тонг отгунча.*

*Шод бўлгай Назирий ҳам, руҳингиз кўриб бул кун,  
Тор ўлмас Ҳазинийга Фаргона тонг отгунча.*



# ТУРФА ШЕЪРЛАР

## НЕ ДЕДИНГ

Эй кўнгул, доно иши, не дединг?

Ибрат дедим.

Ҳар бирин ҳар дониши, не дединг?

Хикмат дедим.

Қай тирик жон хизмати, не дединг?

Меҳнат дедим.

Тоза меҳнат маҳсали, не дединг?

Роҳат дедим.

Даст ила по гайрати, не дединг?

Нусрат дедим.

Бўлмаса гар шиддати, не дединг?

Ғурбат дедим.

Покиза дил журъати, не дединг?

Ҳиммат дедим.

Яхшилик шон шуҳрати, не дединг?

Қудрат дедим.

Ҳар ёмонлик қисмати, не дединг?

Иллат дедим.

Калб қаролар нисбати, не дединг?

Зулмат дедим.

Кимки гофил улфати, не дединг?

Ғийбат дедим.

Бўлса ёлғон суҳбати, не дединг?

Туҳмат дедим.

*Ҳар муроднинг фурсати, не дединг?  
Тоқат дедим.*

*Тангрининг ҳар зийнати, не дединг?  
Хурмат дедим.*

*Назирий назм одати, не дединг?  
Хислат дедим.  
Беаёв он иззати, не дединг?  
Қиммат дедим.*

### **ОНА ҚИШЛОГИМ**

*Атрофлари баланд тог,  
Ўртасида чаман бог,  
Юрагимда сен ардог,  
Азиз она қишилогим.*

*Чўққиларинг буюкдир,  
Авлодларга суюкли,  
Тарихи оғир юкли,  
Азиз она қишилогим.*

*Ҳаволари мусаффо,  
Бахи этар завқу сафо.  
Минг дардга боринг шифо,  
Азиз она қишилогим.*

*Жило бериб оққан сой,  
Хуснингда очар чирой.  
Шоирларга қадамжой,  
Азиз она қишилогим.*

*Булоқ сувлари тоза,  
Тиниқликка андоза.  
Номинг элга овоза,  
Она юртим қишилогим.*

*Илҳом берсанг сен бўстон,  
Ярашур ёзсам достон,  
Номи монанд Гулистан,  
Азиз она қишилогим,  
Ўзинг илҳом булогим.*

*ЁР - ЁР  
(Халқ йўлида)*

*Кутимаган совчилардан тугун олдим ёр-ёр,  
Синаимаган савдоларни бошга солдим ёр-ёр.*

*Кўргончами ҳуввиллатиб тўй кузатдим ёр-ёр,  
Дарёларнинг ул юзига қиз узатдим ёр-ёр.*

*Параижининг ичида ё келип ииглар ёр-ёр,  
Ёр-ёрларнинг садолари багрим тиглар ёр-ёр.*

*Биллур булоқ сувлари дур настга оқар ёр-ёр,  
Согингандоқ қўши кўзларим ийлга боқар ёр-ёр.*

*Узун-узун аргамчини туттга илдим ёр-ёр,  
Ташлаб кетган қизим қадрип энди билдим ёр-ёр.*

*Шўх-шўх қизлар ярашади ҳалинчакка ёр-ёр,  
Параижилар ярашади келинчакка ёр-ёр.*

*Йиглама қыз, ииглама ё сен ҳурлиқо ёр-ёр,  
Хурлиқога монанд булған ёринг ташо ёр-ёр.*

*Узок-узок оппоқ шұлшынг рабон бұлсан ёр-ёр,  
Дүсті мұлшынг изларингдан карбон бұлсан ёр-ёр.*

*Күз ёш түккап ұасратларинг ёлғон бұлсан ёр-ёр,  
Мәхрим берған нордаи ёринг үглон бұлсан ёр-ёр.*

*Оёқ босған хона-үйшінг нурға тұлсан ёр-ёр,  
Бөгбөнларинг чаккалари гүлга тұлсан ёр-ёр.*

*Пайғамбарнинг қизларидек баҳтинг бұлсан ёр-ёр,  
Қибладаги Қаъбатұллоҳ таҳтинг бұлсан ёр-ёр.*

*Пешонанғни момоларни рұхы силар ёр-ёр,  
Очиқ құллар, оқ фотиҳа омад тилар ёр-ёр.*

*Оқ сут берған онаизор рози бұлсан ёр-ёр,  
Ёр-ёрларнинг оқанғини сози бұлсан ёр-ёр.*

*Онаңг сүйгап баҳт гулини ҳидлаб юргин ёр-ёр,  
Отанаң Ѽзғап ёр-ёрларни эслаб турғин ёр-ёр.*

## **ОНАЖОН**

*Мәхрини баҳш этиб оқ сут ила ион,  
Шу ёруг дүнёга айлаган меҳмон.  
Пешонам силаган, ўстиргап омон,  
Заррадан қалбимга яратолған жон.*

*Азиз онажон!*

*Мен учун буюкдир умр-үтгап ёш,  
Болам деб қирқ ииллаб ёлғиз қолган бош,  
Сизда мен күрөлдим, матонат, бардош,  
Ягона ўзингиз дилдаги Қуёш.*

*Азиз онажон!*

*Муддаом то охир қилурман эъзоз,  
Оламда тенги йўқ, волидаи соз,  
Пойингиз остига бўлиб поёндоз,  
Муқаддас Маккага орқаласам оз.*

*Азиз онажон!*

*Сиз борки ҳаёт ҳам этади давом,  
Доимо тилимда Сиз-табаррук ном,  
Жаҳонда энг улуг, шарафли калом,  
Сиз учун қалбларда мангу эҳтиром.*

*Азиз онажон!*

### **СЕНГА АЙТСАМ**

*Ажаб дунё менга нечун тор ўлди,  
Калбим аро ўқинч, гамлар ёр ўлди,  
Суйганиларим дийдоримга зор ўлди,  
Сенга айтсам дунё, вафоларинг йўқ.*

*Согинганде бўзлаб-бўзлаб ишгладим,  
Ўз-ўзимдан дардим сўзлаб ишгладим,  
Фарид кўнглим, эртам кўзлаб ишгладим,  
Сенга айтсам дунё, вафоларинг йўқ.*

*Эсиз, армон юлиб олди тиласим,  
Сенсиз мени кимга ҳам бор керагим,  
Мұхаббат меҳрига ташна юрагим,  
Сенга айтсам дунё, вафоларинг йўқ.*

Үзүн түпилар сени бедор ўйладим,  
Ёшылгымни күз ёш билан сўйладим,  
Тушларимда фақат қувноқ қуйладим,  
Сенга айтсам дунё, вафоларинг йўқ.

Нетай, ой ҳам тог ортига ботади,  
Тун пардасин йиртиб тоңглар отади.  
Ўшалмаган орзум дилда ётади,  
Сенга айтсам дунё, вафоларинг йўқ.

### БИРОВЛАРГА

Киши ақли расо бўлса, фаросатла берар бардош,  
Хаётда учраган ҳар бир оғир-енгил синовларга.

Тушаб қолса бапогоҳ ул кўзи сунъий сифатларга,  
Кўриб кибру ҳаволанимас, баландпарвоз тировларга.

Тасодиф учраса иногоҳ, ўша лутф молпарастларга,  
Юзин бургай, берилмас ҳеч тушимас дому тушовларга.

Агар кимса бўлиб подон, юриш енгил оёқ бўлса,  
Алифдек қоматин ташлар ҳамон нопок бировларга.

Ёмон одам иигитликда пушаймон айлагай албат,  
Кўриб кўзгуда аксин чол, боқар боида қировларга.

Асил инсон халос айлар, адашган дард, аламлардан,  
Назирий санч қалам-найзанг, писиб ётган у ёвларга.

## МАСНАВИЙ

Юрап йўлим равону пок десанг оқ,  
Ҳар нарсага мудом ибрат билан боқ.

Ёмонни кўрганингда сен фикр қил,  
Ёнингда яхшилар бўлса шукр қил.

Куффор айлаб демаки сўнгра эссиз,  
Тикон ҳам кирмагай асло сабабсиз.

Гуноҳдир ширк уни ҳар вақтки ёт бил,  
Сўз айтмоқда тилингни эҳтиёт қил.

Бу оламда танҳо соҳиби қудрат,  
Онинг чун то абад ҳамду сано айт.

Нишонмоқ истасанг гар қудрати ҳақ,  
Само мулкига боқ турган муаллақ.

Нечоғлиқ бўлса ҳам улкану вазмин,  
Жаҳон ҷархи фалагин қилди бетин.

Ҳар онини мўъжиза бил куну тун,  
Яралган аззали осмон беустун.

Ғанимат бил азиз фоний умрни,  
Сенга жон баҳшида этгувчи нурни.

Яхши бўлки сендан инсон наф олсин,  
Яхши излар кулиб ортингда қолсин.

Эшишганлар бу байтдан топса гар наф,  
Назирий меҳрига бўлсин мушарраф.

## МУХАББАТ

*Мұхаббат - инсонни идрек, онғидан,  
Вужудни ёритар қалбнинг қүёши.  
Мұхаббат - инсонни ҳаёт тонғидан,  
Бошланған умрнинг қувноқ күз ёши.  
Мұхаббат - олий ҳис, мұхаббат туйгу!*

*Мұхаббат - маңынан зақи, ороми,  
Висолга етишган ошиқ ожидада.  
Мұхаббат - мүқаддас, улугдир иоми,  
Үндән гар айырса тақдир гөжидада.  
Мұхаббат - изтироб, мұхаббат - қайгу!*

*Мұхаббат - меңдир чақноқ күзлардан,  
Күзларга беролған ҳузур, ҳаловат.  
Мұхаббат - шифодир тафтили юзлардан,  
Юзларга ўтолжан фарогат, роҳат.  
Мұхаббат - шодликдир, мұхаббат - күлгү!*

*Мұхаббат меңрибон ота ва она, ^  
Жағонда тенги айқ оромбахи нафас.  
Мұхаббат - фарзанддир боида парвона,  
ТАърифга ожизман азизим хуллас.  
Мұхаббат - мүйжиза, сиру асрор у!*

*Мұхаббат - ўлмагай ҳар қачон, ҳар дам,  
Юракдан юракка ўтиб яшажак.  
Мұхаббат одамга ҳамиша ҳамдам,  
У борки олам бор, одам бор бешак.  
Мұхаббат мангудир, мұхаббат мангу.*

## **ГУЛ БАЗМИ**

*Очилгин гулим сен боғларимда,  
Авайлай ўссанг чорбогларимда,  
Сақлай үзим кўз қарогларимда,  
Атринг таратгин қучоғларимда,  
Хар доим бўлгин ардоғларимда.*

*Ақлимни олган сен ўшал лола,  
Меҳримни қилдим сенга ҳавола,  
Қалбимни тутай тафтиимни ола,  
Токи олам бор агадий қола,  
Осмонга туташ шу тогларимда.*

*Гулларинг шоҳи сенсан атиргул,  
Ром айладинг бор вужудим буткул,  
Кўриб маст бўлдим туришингни шул,  
Шоҳингда нечук сайроқи булбул,  
Жавоб айлагин сўрогларимга.*

*Ариқ лабида гули бинафиша,  
Пурка бўйларинг, адирлар оша,  
Кўзларга суртай сени ҳамиша,  
Бошинг эгмагин, қилма андиша,  
Кулиб қарагин ҳар ёғларимга.*

*Чиройинг ортиқ сен гули сафсар,  
Барча шифобахи ҳидлар мухтасар,  
Бир бўса олсам юзингдан агар,  
Танамда қолмас губордан асар,  
Мангу қолурсан димогларимда.*

*Хуси талашган сен гули ойим,  
Гултожи баргинг мунча мулойим,  
Юзигда турган, қүёши, ойим?  
Тарк этма асло бу ҳовли жойим,  
Асрлар яша тупроларимда.*

*Чеҳрангни кўриб сен гули хандон,  
Атлас каналак бўлди паришон,  
Атрофларингда айланди чандон,  
Парвона бўлсин ишқингда ҳар он,  
Нурга кўмилган чироларимда.*

*Барг остидаги сен гули жийда,  
Киёси маржон тузилган майдада,  
Севиш жойларинг биламан қайда,  
Тенгсиз сасингни биз ёққа ҳайдада,  
Тўлсин ҳурмачанг қумлогларимда.*

*Коматни кўрдим гул тожи ҳўрозда,  
Товусга ўхшаб қанотларинг ёз,  
Бахмал либосинг бунга экан соз,  
Чойнак лабида сен бўлдинг эъзоз,  
Кишида ҳам ёздаи қўногларимда.*

*Сунна саҳнида сен садда раийсон,  
Пуркаб сочарсан атрингни ҳар он,  
Хушбўйлигингдан ўзгалар ҳайрон,  
Сўзимга пардоз номинг ҳар қачон,  
Гуллардан олган сабогларимда.*

*Кўрсам жамолинг сен гули раъно,  
Япроқда томчи қилар таманинo,  
Туришларингда оламча маъно,  
Кўнглимни қилдинг ўзингга ошно,  
Эркалаб юрай дудогларимда.*

*Яшир юзингни гўзал гул гунча,  
Қадди ииҳолишг асал тугуничa,  
Ошиқлигимни оташи куича,  
Кўз тегмасин ҳеч, очилгунингча,  
Жам бўлгин ҳар дам саноғларимда.*

**МЕН БАШАР ФАРЗАНДИМЛАН –**  
**(Эркин Воҳидовга)**

*Сўрасангиз наслимни, мен башар фарзандиман,  
Айтсан агар аслимни, дэҳқоннинг пайвандиман,  
Шеъриятнинг домидан чиқолмас бир бандиман.  
Оlam билан гоҳ ииглаб, гоҳ кулган афандиман,  
Чархийнинг шогирди-ю, Муқимий авлодиман.*

*Отам эди муҳташам, мадрасага тунда шам,  
Аммо кириб қабрга бошга солди эрта гам,  
Онам мерос чархида, ип иигирган кўзлар нам.  
Замонларнинг зарбидан ҳамон айтган дамба-дам,  
Саҳар айтган иолаю, шомлардаги додиман.*

*Тўқиз ини-огадан олтисини йўқотган,  
Айрилиқнинг дардида, ойлар ботиб, тонг отган,  
Хаёт сўқмоқларидаи, умид териб, оҳ топган.  
Шукронага таяниб, андуҳларга тош отган,  
Падар юзин кўролмай, қолган куилар ёдиман.*

*Она, бола дүстларни, хаста жигарбандаларни,  
Табиат инъом этган, беш ширин фарзандларни,  
Ғаламислар оралаб, гоҳ егизган пандларни,  
Үтган умр, онларда тотған нордон қандларни,  
Танам аро таъсирин, гувоҳи шоҳидиман.*

*Орзуларни қувалаб, гоҳ толиқиб, ииқилиб,  
Жароҳатдан сесканиб, нафаслари тиқилиб,  
Фалакларга термулиб, шодон бўлиб, сиқилиб,  
Шайтонларга турс қараб, имонимни жо қилиб,  
Элимнинг совуқ эмас, эсган илиқ бодиман.*

*Тирикчилик ташвиши бўлиб юз, минг баҳона,  
Шоирларни ахтариб, боролмаган ҳар ёна,  
Бир томонда почорлик, бирида кекса она,  
Назмлардан кўп фақат, ором олса бу жона,  
Уй бўлсада хароба, шодмонларнинг шодиман.*

*Орзу билан яшайман, ишончим суюнч ҳар он,  
Шеърият бобларидан қилиб кўринг имтиҳон,  
Кеча-кундуз, доимо умид қилар танда жон,  
Зора олсан мен баҳо, ўтиб кетмай ногаҳон,  
Ахир камина ҳам бир, фақир одам зодиман.*

*Еллар каби ўтмоқда, бу ўткинчи ҳаётим,  
Коққан билан жуссамни, кўтаролмас қанотим,  
Лозим бўлса менга ҳам устоз бўлинг нажотим,  
Сизга баён айладим, ушбу ёзган баётим,  
Фақирлардан яралган, одамзод бунёдиман.*

*Мен Назирий майлига, шоир бўлолмасам ҳам,  
Пойгоҳлардан жойларни ҳатто ололмасам ҳам,  
Ёзганиларим қўлларга, Эркин сололмасам ҳам,  
Варагларим жам қилиб, китоб қилолмасам ҳам,  
Лбад буюк халқимнинг, шодлигу фарёдиман.*

## ПУЛ ЎЛСИНА ПУЛ ЎЛСИН

(Чархий ва Собир Абдулло газалига жухаммас)

*Пул деб оқар дарёлар, пул ўлсина - пул ўлсин!  
Огдар - тўнтар дунёлар, пул ўлсина - пул ўлсин!...*

*Пул деб кўзда имолар, пул ўлсина - пул ўлсин!  
Юзда сунъий иболар, пул ўлсина - пул ўлсин!  
Бадбўй боди саболар, пул ўлсина - пул ўлсин!  
Ҳаром қайфу сафолар, пул ўлсина - пул ўлсин!  
Шайтон сифат намолар, пул ўлсина - пул ўлсин!*

*Пул борликда қоқилмас, иўллар равон ёруг шам,  
Онани кўзга илмас, машшатда ҳотиржам.  
Ота қадрини билмас, буқчайиб қолар кам-кам.  
Айтган сўзларни қилмас, жон болам деганда ҳам,  
Курбон бўлган сазолар, пул ўлсина - пул ўлсин!*

*Пул бўлсада у қилган, қозонни оби - ёвғон,  
Рост кўксини оҳ тилган, дўзаҳи сўзи ёлгон.  
Соф иймондан қайтилган, ҳаром йўлда паришон,  
Нола билан айтилган, ҳасратга тўла армон.  
Асоссиз кўп даъволар, пул ўлсина - пул ўлсин!*

*Пул деб баъзи одамлар, гўё олади нафас,  
Йигмоқ учун бўш дамлар, ўйин қилар басма-бас,  
Охир келиб кўп гамлар, қилар кенгни тор қафас  
Қўзлардаги ёш, намлар, пулдан ўзга хушламас,  
АЗоб тортган аъзолар, пул ўлсина - пул ўлсин!*

*Кимлар бемор нул касал, тилларда ох, дил койиш,  
Кимлар таоми асал, ўзга берар оройиш.  
Бирөв тилар дуру, лаъл, бирөв тинчу осойиш,  
Бирөв кетар бемаҳал, от устидан күп тойиш.  
Әрта рўзи қазолар, нул ўлсина - нул ўлсин!*

*Пул деб оқади сойлар, нул ўлсина - нул ўлсин!  
Харом ҳараш кўи жойлар, нул ўлсина - нул ўлсин!  
Пулдорга боқар бойлар, нул ўлсина - нул ўлсин!  
Бемаҳал доду вайлар, нул ўлсина - нул ўлсин!  
Шовқин - сурон газолар, нул ўлсина - нул ўлсин!*

*Пулим бўлсин деб бутуни, туни кечалар югурган,  
Дилдан чиқиб ох, шутуни, эшик қулогин урган.  
Нини битирмоқ учун, эгик саломда турган,  
Хумомадгўй тил узун, савдагардан тог қурган.  
Кутимаган жазолар, нул ўлсина - нул ўлсин!*

*Савлат тўкиб у турган, нулли гиштин иморат.  
Моҳир усталар қурган, токчаларда минг-минг қат,  
Бефакт шаналоқ урган, текин қилиб хиёнат.  
Ноҳақ давронлар сурган, чип дегани омонат,  
Ҳамон эски бинолар, нул ўлсина - нул ўлсин!*

*Омборда бор кўнгил тўқ, ённа қилар дасталаб,  
Дўконларда вақо иўқ, мудир турар ёғ ялаб.  
Яна босди мустаҳкам, камбагални иш талаб,  
Савдогарга худо ҳам, замон берган қўшқўллаб,  
Баланд нарху наволар, нул ўлсина - нул ўлсин!*

*Пулга қопқон қүёлмас, бұлса ҳам демас әссиз.  
Меңнат қилиб ҳеч толмас, текинга боқмас ҳарғиз,  
Халолдан ортда қолмас, озған шукур қылған биз,  
Шоңир илхом ололмас, Собир ила Чархийсиз,  
Сизга байтим ошнолар, нул ўлсина - нул ўлсин!*

### **БАЪЗИЛАР**

*Эл ичидә ёмони лоқайду бегам киши,  
Үндайларга кор қилмас юртни оғир ташинши,  
Ота-она, оила, келажакдан ийк иши.  
Үз наздыда ҳали ҳам гүё чиқмаган тиши,  
Тонгда жиаб ётганча, шомда турар баъзилар.*

*Хар бир гапга лаб буриб, енг бичади ҳам ёқа,  
Уни бунга чаттилаб, юрап ҳар ёп, ҳар ёққа,  
Найранг билан тузоқни аста құяр оёққа.  
Нафси учун мұлжалға думалатиб күп соққа,  
Хийлалардан бошларга салла ўрап баъзилар.*

*Хеч ёритмас вужудин ёққан билан юз фонус,  
Калби қозонға монаид, күнглида кир-қора шус,  
Күча-куйда гердайиб қорин силаб беномус,  
Касбу кори қаллоблик, текинхүр у - галанус,  
Бундайлардан омонат мафтун юрап баъзилар.*

*Лавозиму амал чун, доим ҳамла қилар у,  
Ёглик жойни ҳамиша қайдалигин билар у,  
Муфит этларини қатидаи оссонгина тилар у,  
Хамёиларни устакор устарасиз шилар у,  
Текин жойга ҳалпиллаб туни югурап баъзилар.*

*Ошда чақон иши деса, асли ўзи дангаса,  
Гап деса қоплар қолиб, қанор тўлгазар роса,  
Содда дилни топса гар, иево солар, васваса,  
Асли насли бетайин фирибгардир алқисса,  
Лўтибозу, лаганини жондак суюр баъзилар.*

*Каламнирни хуши кўрар ширин-шакар кишишидан,  
Ташиб юрса гийбатни, роҳатланар миши-мишдан,  
Илонсифат ранг унда, турқи совуқ муз қишидан,  
Дарди ёмон бедаво, тузалмас у юз нишдан,  
Ёлғон сўйдан керилиб қаср қураг баязилар.*

*Тос-тосини топишиб юришиди жўралаб,  
Пистирмалар ортидан қараб турар мўралаб,  
Олазирек кўзларни кайфи баланд қонталаб,  
Ҳаром қўллар панжаси орасидан ёғ ялаб,  
Пана жойда куну туни, айшини сурар баъзилар.*

*Юзини ювган билан, нопок виждонда қат кир,  
Шайтонсифат одамлар элга аён барибир,  
Минг яширса ҳамонки, ошкор бўлар бир кун сир,  
Аттанглару аламдан, бош тебратиб у охир,  
Пешонасин тошларга худо урар баъзилар.*

## *О МУҲАББАТ*

*Бургутларнинг парвозида,  
Турфа қушлар овозида,  
Ошиқларнинг дил розида,  
Сени кўрдим о, муҳаббат,  
Сени сўйдим о, муҳаббат!*

*Булбулларнинг сайрогида,  
Кўнгилларнинг яирогида,  
Суйганиларим ардогида,  
Сени кўрдим о, муҳаббат,  
Сени сўйдим о, муҳаббат!*

*Булоқларнинг оқишида,  
Мавжларини ёқишида,  
Дўст, ёрларни боқишида,  
Сени кўрдим о, муҳаббат,  
Сени сўйдим о, муҳаббат!*

*Сўзи ширин доноларда,  
Юзлари гул раъноларда,  
Сирли олам маъноларда,  
Сени кўрдим о, муҳаббат,  
Сени сўйдим о, муҳаббат!*

*Сенсиз ҳаёт қайгуликда,  
Кимлар ҳоли кулгуликда,  
Фақат танҳо мангаликда,  
Сени кўрдим о, муҳаббат,  
Сени сўйдим о, муҳаббат!*

## ХАҚНИ АЙТСАМ

Асил одам чиқмас зоти настлардан  
Мунофық ҳам айшу шираптарасдан  
Зурриёт ҳам айнир маству аластдан  
Хақни айтсам Сизга, азиз дүстларим.

Емон одам юзи кулгу тус олмас,  
Үидан кибру җаво сира узамас,  
Яхшиларга иймөн омон бўлса бас,  
Хақни айтсам Сизга, азиз дүстларим.

Бадбўй алафларга болари қўимас,  
Пучак данаклардан ниҳоллар унмас,  
Дурдона байтларни садоси сўнимас,  
Хақни айтсам Сизга, азиз дүстларим.

Дунё таигдир ўша феъли торларга,  
Шайтонларга ошно ул киборларга,  
Багри кенглик хосдур таигри ёрларга,  
Хақни айтсам Сизга, азиз дүстларим.

Ўргаиса гар кўнгил ўртаниб қўймас,  
Олган билан баҳил бой асло тўймас,  
Берган билан сахий моли камаймас,  
Хақни айтсам Сизга, азиз дүстларим.

Номард, иокасларни кони зиёндир,  
Маккор шайтонларни фикри гумондир,  
Мардлар иши доим элга аёндир,  
Хақни айтсам Сизга, азиз дүстларим.

*Бадният кимсаны кори ҳайф бўлур,  
Муродларга етмай охир даф бўлур,  
Пок ниятлар элу юртга наф бўлур,  
Хақни айтсам Сизга, азиз дўстларим.*

*Наслу насабларин билар Назрий,  
Аллоҳ фармонларин қилар Назрий,  
Икки дунёнгизни тилар Назрий,  
Хақни айтсам Сизга, азиз дўстларим.*

### **БИР ЁР ЙИГЛАР...**

*Бир ёр йиглар юраги ёниб,  
Бебафога бавақт алданиб,  
Армон билан айтар ўртаниб,  
Ёлгоилар кўп экан дунёда.*

*Муҳаббатининг оловлари кўп,  
Йўлини тўсар шум ёвлари кўп,  
Саиоги, кўп, алдовлари кўп,  
Шайтонлар кўп экан дунёда.*

*Наҳот сен ҳам қилмадинг идрок,  
Ул ич қора, юзлари оптоқ,  
Эсиз азиз эл аро попок  
Виждоилар кўп экан дунёда.*

*Сени күрдим тескари дунё,  
Ёмонга айш, яхшига жафо,  
Билолмадим ажаб бевафо,  
Инсонлар күп экан дунёда.*

*Бир ёр ииғлар юраги ёниб,  
Алам қылар ақлин кеч таниб,  
Үқинч билан айтар ўртаниб,  
Ёмонлар күп экан дунёда.*

*Күз ёш түкма бас эиди укам,  
Мен ҳам гарыб сендең күзи нам,  
Бу оламда азал ростдан ҳам,  
Ёлғонлар күп экан дунёда,  
Нолонлар күп экан дунёда.*

### **БЕВАФО ЁР**

*Таңалар тошини отган ёр,  
Юракка сүзлари ботган ёр.  
Дунё учун ёрдан айрилиб,  
Болишини бўлиб ётган ёр.*

*Яхши дедим сира билмадинг,  
Сўзларимга парво қилмадинг.  
Кибру ҳаволарга берилиб,  
Назарга ҳеч мени илмадинг.*

*Мәхрим берсам ололмаган ёр,  
Ишқим дилга сололмаган ёр.  
Қалбимдаги э вөжки қайноқ,  
Тафтларимдан ёнолмаган ёр.*

*Айтаверсам ўртапади тан,  
Иложим йүк тақдир шу экан.  
Узатган құлларга у тутар,  
Кимларга гул, кимларга тикан.*

*Үзгалар айишини төтгап ёр,  
Үз бахтини пулга сотгап ёр.  
Пушаймондан қон ишглаб охир,  
Күзларида ёши қотгап ёр.*

*Бевафони энди петарман,  
Бир гарифни шодмон этарман.  
Мұхаббатим сендан қайтариб,  
Узоқларга олиб кетарман.*

*Таңалар тошини отгап ёр,  
Юракларга сўзи ботгап ёр,  
Дунё учун дўстдан айрилиб,  
Бизларга ёт бўлиб ётгап ёр.*

## **УМР ОҚАР ДАРЁ ЭКАН**

Ажаб сирли дүнё экан,  
Бор бисоти гавго экан,  
Ярми ёргуғ рүшино экан,  
Ярми түнгі ошыно экан,  
Умр оқар дарё экан...

Үтаверар у басма-бас,  
Бир кам дунё шиши битмас,  
Езуги шу азал алас,  
Иложи шүк ҳеч түхтамас,  
Умр оқар дарё экан...

Осмон билан яқини бор,  
Хаёт ичра чақини бор,  
Гөх тұлқину ёрқини бор,  
Гүхе сокин, шавқини бор,  
Умр оқар дарё экан...

Нұлы баъзан сабр томони,  
Баъзидә ул жабр томони,  
Еш ёғдирарап абр томони,  
Сүнгги макон-қабр томони,  
Умр оқар дарё экан...

*Тирикликда инсон нетар?  
Күп шилларни бунёд этар,  
Маизилларга бориб етар,  
Охир ерга сингиб кетар,  
Умр оқар дарё экан...  
Бу бевафо дунё экан...*

### **СЕН ГАНИМАТ, МЕН ГАНИМАТ...**

*Эрта туриб шукур айтмоқ менга одат,  
Одатларим боши мени яхши ният,  
Чунки ахир бу оламда биз омонат,  
Бу дунёда сен ганимат, мен ганимат.*

*Илк сұзларим умид билан очғанды лаб,  
Юртга тинчлик, инсонға ризқ, инсоф тилаб,  
Доим дейман дуоларда юзлар силаб,  
Бу дунёда сен ганимат, мен ганимат.*

*Тақдир иени раво құрса бошга солар,  
Яхшидан бол, ёмоңлардан дөглар қолар,  
Азроил ұам бир күн келиб жонни олар,  
Бу дунёда сен ганимат, мен ганимат.*

*Ажаб асло چархи гардым олмайды ڈام,  
تونگلار ڈتیب، қیوںش بوتسا کوندان کون کام،  
Baڭti گەلسا شەخлار ۇلار، گادولار ڇام،  
Бу дунёда сен ганимат, мен ганимат.*

*Кора ерии қызғанмаган ҳамма сиғар,  
Үндан кимлар ҳалол, кимлар ҳаром йигар,  
Аллоҳ айтган оқибатли бўлсанг агар,  
Бу дунёда сен ганимат, мен ганимат.*

*Согинтирма меҳр билан боққан кўзим,  
Менинг учун сен шоҳсану фақир ўзим,  
Назирий дер унумта ҳеч айтган сўзим,  
Бу дунёда сен ганимат, мен ганимат.*

### **M A R C I Я**

*(Волидайи мұхтарамим Рисқинисо Турдихўжа  
қизини вафоти куни айтганларим).*

*На илож қисмат экан онадан бўлдим жудо,  
Битса кун чораси йўқ кўз юмар шоҳу гадо,  
Нуқтасин қўймоги ҳақ бу тирик умри адo,  
Тарқ этар ташларни жон келганда рўзи қазо,  
Кўзларим ёшин тўкиб мен қилай минг илтижо,  
Онажоним алвидо, онажоним алвидо!*

*Оҳ менинг кулбам аро ўчдиму чирог бу кун,  
Сўлдиму меҳри тўла кўзлари қарог бу кун,  
Кетдиму ширин сухан сўзлари ярог бу кун,  
Не ажаб ҳижрон билан қон тўла дил дод бу кун,  
Юрагим зор қақшабон ёлвориб берди нидо,  
Ёғдиринг раҳми карам сиз буюк э, раҳнамо,  
Онажоним алвидо, онажоним алвидо!*

*Кимга арз айтай танам дард ила фарёдини,  
Давоси борму нетай нолаю дил додини,  
Гам кириб қилди хароб қалб уйим ободини,  
Йиглабон таъриф этай меҳрибоним ёдини,  
Тангрима етказ уни бегараз боди ҳаво,  
Ҳавзи Кавсарнинг сувин сиз кўрини анга рало,  
Онажоним алвидо, онажоним алвидо!*

*Қилгали энди тавоғ Кабаи хонам қани,  
Қўксига бош қўйгали меҳрибон онам қани,  
Айтгани малҳам мадор сўзи дурдонам қани,  
Кўргали меҳрим тўйиб нурлари дийдам қани,  
Ҳокисор муслим азиз волидам Рисқинисо,  
Во Муҳаммад умматин жаннати қилгил худо,  
Онажоним алвидо, онажоним алвидо!*

*Бўлмади бунда роҳат, унда чин даврон суринг,  
Саккиз беҳишит богида то абад жавлон уринг,  
Рўзи то машҳаргача бегуноҳ шодон юринг,  
Субҳи кеч ҳам тунлари Сиз учун қилсан садо,  
Сидқи дил бирла қабул айланг эй, Ҳақ доимо,  
Онажоним алвидо, онажоним алвидо!*

*Аҳли мўмин фарзини ҳар маҳал ёдга олиб,  
Минг шукур қилдим ва лек, юрмадим асло нолиб,  
Тангри таоло ҳаққига бошимни қуий солиб,  
Назирий кўнгли гариб, отадан Ёдгор қолиб,  
Авғ этиб гуноҳларим, Сиз бўлинг мендан ризо,  
Онажоним алвидо, онажоним алвидо!*

## НАСИХАТ СЕНГА

Аввало тилагим тан сиҳат сенга,  
Сүнг демек истадим насиҳат сенга.  
Дили пок, иймони бут инсон бўлки,  
Омадлар келтирадар хуш иият сенга.  
Ақлу илм ҳунарии дўст тутсанг доим,  
Етмагай зиёну ҳеч заҳмат сенга.  
Яхшига яқин бўл, узилма зинҳор,  
Яхшилар сабоги ганимат сенга.  
Ҳалолу ҳайрли қил ҳар ишда қўлни,  
Ҳамроҳлик этолсин ҳамият сенга.  
Наф бермог одатин бошлигин ўздан,  
Раҳматлар ёғдурсин жамият сенга.  
Яралмиш Ҳазрати Одам қадрин бил,  
Қадринг қайтими чин ҳурмат сенга.  
Боқсанг гар оламга идрок билан боқ,  
Ҳар нарса мўъжиза ул ибрат сенга.  
Тирикман ўғитим асло унумта,  
Оқибат, шу сўзлар васият сенга.  
Назирий назм айлаб шукрин бажо эт,  
Гойибдан берилган бу иеъмат сенга.

## БАЙТ - УЛ ХИКМАТ

*Мени аҳдим Ҳақни ҳар ои ёд этмоқ,  
Асил баҳтим ўзгаларни шод этмоқ.*

\* \* \*

*Агар ким бўлсанки севгани холиқ,  
Оники ҳам билинг севгай халойиқ.*

\* \* \*

*Фақир эшигига келган амир хуаш,  
Амир эшигига бармоги нохуши.*

\* \* \*

*Агар чин ўзини танибди ҳар ким,  
У инсон ҳақни ҳам топган мунажжим.*

\* \* \*

*Киёси қалб тоза шиша кабидур,  
Соҳиби тангрини устурлабидур.*

\* \* \*

*Жалилини ҳар сўзи ҳикмат, маърифат,  
Билганга ҳар иши ажаб каромат.*

\* \* \*

*Дунёда унумас Бир зотки бордур,  
Уни унугланлар ҳамиша хордур.*



## ТҮРТПИКЛАР

Эй, дўстим юзни шод кўрмоқ менга баҳт,  
Вужудим тусамас асло тоҷу таҳт.  
Агар чин сўзимни айтсам юракдан,  
Согиниб яшайман сизни ҳамма вақт.

\* \* \*

Яхшилар ҳар доим яхшилик кутгай,  
Ёмонлар яхшини тезроқ унугтай.  
Эзгулик уругин комил инсонлар,  
Дарёга ташаб гоҳ саҳродан тутгай.

\* \* \*

Азизим уч нарса ниятга боғлиқ,  
Бирлашса баҳш этар хуш вақти чоғлиқ.  
Аввало қалбингга иймон тила, сўнг,  
Ватангга тинчлигу, танангга соглиқ.

\* \* \*

Биродар Ватанини тутгин мұқаддас,  
Дўст билан доимо бўлгин ҳамнафас.  
Муддаом элу юрт, одамлар учун,  
Кераксиз одамга айланмасанг бас.

\* \* \*

Ота дуюсини ол, нафини бил,  
Подиоҳ фармонига тўгри амал қил.  
Ҳаром ишларга қўл урмасанг агар,  
Бу ҳикмат учови баҳтингга кафил.

\* \* \*

Эй, фарзанд онани сутини оқла,  
Беш пеъмат айтаман уни ардоқла.  
Мол-жону либосинг, оиласнг яна,  
Ватанни ҳамиша қизганиб сақла.

\* \* \*

Тарихга айланди кечаги куним,  
Үтмоқда ганимат яна бугуним.  
Оҳ, қанча аёвсиз бўлсанг ҳам фурсат,  
Эртадан каттадир менинг умидим.

\* \* \*

Сабабсиз билмассан ҳеч бир вақони,  
Меҳнатла яратар инсон бақони.  
Ҳаётнинг меъёрин бузмаса ҳар ким,  
Ғамлардан чок этмас сўнгра яқони.

\* \* \*

Гайрат камарини белингга боғла,  
Меҳнат қил, яратгин, фурсатни чогла.  
Сен инсон номингни унумтмай асло,  
Шукурни дилларда доим ардогла.

\* \* \*

Сабр қил ҳаётда йўгу борингга,  
Боқиб сўз юритгин юрак торинга.  
Оlamда губорсиз яшайман десанг,  
Содик бўл ҳамиша дўсту ёринга.

\* \* \*

Тириклик чоғларда вафо истарим,  
Беҳуда ўтказма умрингни ярим.  
Оҳ, ҳаёт қадридан бепарво қолиб,  
Сўнг тавооф айлама сен хоки сарим.

\* \* \*

Сүхбатлар чогида бузмагин меъёр,  
Ҳар бир сўз магзига қилгин эътибор.  
Гар давра тўрида тўрт нодон бўлса,  
Ундан ҳеч фарқ этмас шовқинли бозор.

\* \* \*

Сен ҳар бир сўзингни ўйламай айтма,  
Касб этма бирордан қилишини таъма.  
Афсункор юмушдан ишроқ бўлгинда,  
Мафтункор ишлар чун иўлингдан қайтма.

\* \* \*

Борлигинг ногоҳон босса ҳам абр,  
Чексангда ўртаниб жафодан жабр.  
Ўз ақл, фикрингни даво билгинда,  
Борига шукр қил, иўғига сабр.

\* \* \*

Оlam олтин бўлса, ҳаёт-дур, гавҳар,  
Уни безатгувчи инсондир заргар.  
Ўзингни баҳтли бил қачонки, агар,  
Ўзгани қалб нуринг қилса мунааввар.

\* \* \*

Лжаб, қизиқ бўлар бу дунё иши,  
Донода бўлса-ю барча ташвиши.  
Кўксига қўл уриб нодон демишики:  
«Мендан ўзга иўқдир ақлли киши».

\* \* \*

Яралган аззали мавжудот бетин,  
Бир-бирин тўлдирап само-ю, замин.  
Муқаддас аталган ҳаётнинг бироқ.  
Аввали енгилу, поёни вазмин.

\* \* \*

Хаётда бутлик ийқ доим бўлар кам,  
Гоҳида шодону, гоҳо кўзлар нам.  
Беаёв фурсатнинг ҳеч бир тўхтоворсиз,  
Умр карвонида борурмиз биз ҳам.

\* \* \*

Тилингдан яхши сўз чиқса гар ҳардам,  
Эътиқод дилингда бўлолса ҳамдам.  
Эзгу ийл, мақсадин ёритар мудом,  
Қалбаги нур ила нури осмон ҳам.

\* \* \*

Софликни севсанг гар дилдан ҳар қачон,  
Ардогин аяmas бу мангу башар.  
Билгилки ҳаётда мудом чин инсон,  
Мусаффо қалбларга интилиб яшар.

\* \* \*

Оллоҳ бермаганг баит шиши қийин,  
Мунофик Ҳақ сўзни айтишиши қийин.  
Кўнгил нозиклигин билки, эй аёл,  
Гар эркак ҳуркиса қайтишиши қийин.

\* \* \*

Сүзлар бор тингласанг тутади титроқ,  
Таъсири фақат дард, аччиқ гам, фироқ.  
Сүзлар бор даволар қилгувчи, бироқ,  
Хар қандай доридан минг бор яхшироқ.

\* \* \*

Үт пуркаб ортиқча құлмагин ҳашам,  
Хавас деб паришон бўлма bekaram.  
Наздингда паҳлавон бўлсангда ҳаргиз,  
Ожизсан ҳушёр бўл, эй аҳли одам.

\* \* \*

Үқиб уқибсанки соҳиб адабсан,  
Ақл инжуларин бошга қадабсан.  
Сени суйибдики аҳли фозиллар,  
Билгилки сен ўзинг, ўзинг хуштаъбсан.

\* \* \*

Донолик хислати доим наф бўлур,  
Нодонлик қисмати фақат хавф бўлур.  
Маърифат чироги ёнган макондан,  
Билгилки ҳар қачон зулмат даф бўлур.

\* \* \*

Инсонга умид ва кутмоқ қанотдур,  
Илму амаллари унга нажотдур.  
Ҳаётда ким ўзин танибди, билки,  
Ул асил ҳақни ҳам таниған зотдур.

*Меҳрни аввало кўзлардан ахтар,  
Сўнгра бол мисоли сўзлардан ахтар.  
Соҳиби атамиши бор яхшиликни,  
Чеҳраси очилган юзлардан ахтар.*

\* \* \*

*Хисобин қилгувчи ўзи ҳар онни,  
Эгамдир яратган турфа инсонни.  
Холиқи яктоки, имкон бериди,  
Шукур қил, қизганма сира эҳсонни.*



## ҲАЁТДАН ОЛИНГАН САБОҚЛАР

Кибр - инсонни яхши фазилатларини бузувчи ёмон хусусиятлардан биридир. Кибр ҳамиша инсон қалбидаги уч эшикдан кириб олишликни пойлаб туради. Ушбу уч эшикни очилиш пайти қуийдаги ҳолларда имконият туғдиради.

1. Инсонни мол-дунёси меъёридан ошса.
  2. Амалдор бўлиб ўз қўл остидагиларга ғууруга берилган ҳолда тайзиқ ўtkазиш учун амалидан фойдаланса.
  3. Илми ортиб кетган пайтда.
- Бундайин ҳолатлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

\* \* \*

Қуръони Карим - том маънода Аллоҳнинг қаломи демакдир. Ундаги на бир сўз ортиқча-ю, на бир сўз кам эмас.

\* \* \*

Инсон учун табиатдаги барча егулик неъматларга Ой таъм, Юлдузлар ранг берса, Қуёш эса уларни пиширади. Қудратига ташаккур.

\* \* \*

Азиз биродар!

Бир нарсага аминмиз-ки, бизлар вақти-вақти билан мавриди келганда, ўтган аждодларимиз, ёхуд ота-оналаримизни хотирлаб эҳсон қилишдан ташқари улардан қолган яхши фазилатлар, яхши сўзлар, шунингдек, қилган яхши амаллари ҳамда қолдирган ёдгорликлари ҳақида яхши сўзлар билан тилга олиб, уларга атаб дуои тақбирлар қилиб турсак. Уларнинг охиратларига ҳам, ўзимизнинг эзгу ишларимиз ҳосиласига ҳам ижобий таъсирлар кўрсатмоғи шубҳасиздир.

\* \* \*

Хар қандай истеъдод ва ижод эгасини соф ҳамда эзгу нияти бу-ҳақ томонидан ақлу илмиға қўшиб берилган неъмат инъомларини кўзи тириклигида инсонларга нафи текканлигини кўришликдир.

\* \* \*

Суҳбат чоғида бир олим хокисор шоирдан сўрабди:

- Мавлоно, сиз учун баҳт қандай ва у қаерда?

Шоир дебди:

- Мен учун баҳт жуда оддий ва яқин. Яъниким, агар мен ҳар кунги эзгу ниятларимга мос ҳолда бирор кишига хоҳ қўлим, хоҳ сўзим билан бўлсада, заррача яхшилик қила олсан, ўшани баҳт деб биламан.

- Хўш, муҳтарам зот, энди ул саволга жавобни ўзларидан эшитсак?

- Бу борада мен сизнинг фикр тарозусига қўйган тафаккурларингизга teng келадиган сўз айтишга ожизман, дебди олим узр сўраб.

\* \* \*

Бемор соғайиб кетмоғи учун аввало унинг пок қалбида икки улуғ ният бўлмоғи шарт. Унинг бири Яратганга сидқидилдан қўйилган эътиқод бўлса, иккинчиси шифо баҳш этувчига бўлган ихлосдир.

\* \* \*

Биз Аллоҳ берган бир улуғ неъматни қадрига етмаймиз, у ҳам бўлса ақлдир. Уни қачонки ишлатгандагина қадрига етамиш холос. Ишлатиб бўлгандан сўнг эса яна лоқайдлик билан қараймиз. Тангри шу лоқайдликдан ҳамиша асрасин.

\* \* \*

Инсонни тўрт улуғ фазилат камолотга етказади. Улар: ота дуосини олмоқлик, подшоҳ фармонларига тўгри амал қилмоқлик, ҳаром ишларга қўл урмаслик ҳамда ҳамиша яхши ниятлар билан иш тутмоқликдир.

\* \* \*

Шариатни тушунган, иймон-эътиқоди бутун аёл ҳар қандай лавозимда бўлмасин ўз умр йўлдошига. «Мен фалон жойга кетдим» демайди.

Аксинча: «Мен фалон жойга бориб келайми?» деб сўрайди.

\* \* \*

Ҳақиқий мўмин қиши шариат ишларида ҳатто бешикдаги боласидан ҳам ўёлиб иш тутади.

\* \* \*

Ишқ - муҳаббатнинг бир қисми - ҳазун, яна бири эса баҳт - саодатдир.

\* \* \*

Ўқитувчи - жамиятнинг табибиdir.

\* \* \*

Яхшиликнинг уруғи ҳеч қачон пуч бўлмайди.

\* \* \*

Кўнглида яхшилик нияти бор инсон ҳеч қачон ёмонликка юз тутмайди.

\* \* \*

Қушлар сайрогида уч аниқ мазмун борлигини англадим. Унинг бири тириклик бўстонида борлигига шукроналик бўлса, иккинчиси осойишталик ва ризқ - насиба тилаш. Учинчиси эса яратганга ҳамду санолар экан.

\* \* \*

Истеъдод гуллаб, бебаҳо маънавий мевалар яратиши учун унга ҳаводек зарур бўлган ижодий муҳит керак.

\* \* \*

Бегубор болаларнинг пок туйгуларини худди тиниқ кўзгуга ўхшатаман. Чунки уларнинг ҳар бирида оила тарбияси яққол акс этиб турадида. Доно ҳалқимиз бу фикрни «Қуш уясида кўрганини қиласди», ибораси билан атайди.

\* \* \*

Ёлғизлик ва бедорлик тунларида соат гўё одамни энг яқин тирик ҳамроҳига айланади. Айниқса унинг бир маромда чиққилашини тафаккурнинг яхшилик мувозанатидан чиқмайдиган донолар лутфига ўхшатасан, киши.

Ажабо, у юрагингга таскин бериш билан бирга, баъзан умр мазмунлари хусусида сухбат қилаётган меҳрибон дардкашингдан фарқ қилмайди-я.

\* \* \*

Ажабо!.. Ҳаёт шундай гўзал, шундай сеҳрли ва шундай мураккаб жараёнлардан иборатки, бепоён бўстонлари бўлиб, унда аввало болаликнинг begubor fahri, keyin a'riqlik azoblarinинг жабри, sungra esa oilani elkaniga ortilgan ro'zgor deb atalgan ogir yoki bilan sabrga tayaniб яшар экансан, киши.

\* \* \*

Ҳазрати инсон деб аталмиш зоти шарифни ҳаёт бўстонида сабоқ оладиган мактаблари жуда кўп бўлиб, улар орасида энг муқаддаси бу – «Оила мактаби»dir чунки ул зот мана шу муқаддас қўргонда илк бора ёруғ олам юзини кўради. Ва дастлабки соз ва носозлик сабоқларини ҳам ўша ердан олади. Келажак пойдеворини таъмал тошлари ҳам шу жойдан қўйила бошланади. Мазкур мактабнинг дарслари, мавзулари шунчалар ранг-баранг, шунчалар пурхикмат бўлса-да, бироқ улар орасида энг ёмони ота учун «Онанг ёмон», она учун эса «Отанг ёмон» дарсидир.

\* \* \*

Ҳар қандай истеъдод ва ижод эгасини соф ҳамда эзгу нияти - ҳақ томонидан ақлу илмига қўшиб берилган неъмат инъомлари кўзи тириклигида инсонларга нафи текканлигини кўришиликдир.

\* \* \*

Ҳақиқий эътиқодли инсон ўз тириклик амалиётида икки буюк савоб ва икки буюк, гуноҳ ишларини сарҳисоб қилиб яшайди. Икки савоб ишни бири яратганни ягона билиш, иккинчиси эса эл хизматида бўлишиликдир.

Икки буюк гуноҳни бири Яратганга ширк келтириш бўлса, иккинчиси эл коридан ўзини четга тортиш ёки унинг назаридан қолишиликдир.

\* \* \*

Мусулмон фарзанди бўла туриб эътиқод билан ҳеч қандай ибодатга кўл урмаган, аксинча ибодат қилгувчиларни мазаҳ қилиб умргузаронлик қилган атеистнинг кексайгандаги тескари таҳоратига қаранг?!

\* \* \*

Кимки маърифат ва шариат илмини мукаммал эгаллабди, демакки ул инсон ҳақиқатга эришмоғи ҳам шубҳасиздир.

\* \* \*

Фарзандини отасидан устун қўйган, аёл ҳеч қачон роҳат-фароғатда яшай олмайди.

\* \* \*

Ҳеч қачон истеъдод соҳиби ёки ижод ахлининг дил экинзоридан ёманлиқ униб чиқмайди.



## МУНДАРИЖА

Муборак .....	3
Ватан шаҳди .....	5
<b>ҒАЗАЛЛАР</b>	
Бўлмагай .....	6
Орастга бўл .....	6
Кам-кам бўлур .....	7
Одами эрсанг агар .....	8
Офтобим менинг .....	8
Даврон келиб .....	9
Мард ўғил, ширин қизим .....	10
Шоибу устозатаб .....	10
Кўнгил пири .....	11
Чаман чодак .....	12
Яхшидур .....	13
Нигор ўлдим .....	14
Излаганим яхшилик .....	15
Дилни ёр этдим .....	16
Хушхон элим .....	17
Инсон бўлак .....	18
Сўзла санам .....	19
Саволлар бор .....	19
Мудом икки аро бўлдим .....	20
<b>Юзлари олинг</b> .....	21
Руҳий малагим .....	21
Қадр билсанг .....	22
Фасли баҳори билан .....	23
Эъзозим бор .....	24
Яхшилик .....	24
Насабдантур .....	25
Азизим .....	26
Ёрдан топар .....	26
<b>МУҲАММАСЛАР</b>	
Бу кўнгилдир-бу кўнгил .....	27
Сизга илиндим .....	28
Сендан ўзга .....	29
Мавлоно Муқумийга .....	31
Мавлоно Ҳазийнига .....	32
<b>ТУРФА ШЕЪРЛАР</b>	
Недединг .....	33
Она қишлоғим .....	34
Ёр-ёр .....	35
Онажон .....	36
Сенга айтсам .....	37
Бировларга .....	38
Маснавий .....	39
Муҳаббат .....	40
Гулбазми .....	41
Мен башар фарзандиман .....	43
Пул ўлсина пул ўлсин .....	45
Баъзилар .....	47
О, муҳаббат .....	49
Ҳақни айтсам .....	50
Бирёр йиглар .....	51
Бевафо ёр .....	52
Умр оқар дарё экан .....	54
Сен ғанимат, мен ғанимат .....	55
Марсия .....	56
Насиҳат сенга .....	58
Байт-ул ҳикмат .....	59
Тўртликлар .....	60
Хаётдан олинган сабоқлар .....	66

*Адабий-бадиий нашр*

**Салимхон НАЗИРИЙ**

# **МУҲАББАТНИНГ ТУРФА РАНГЛАРИ**

Муҳаррир:

Tex. муҳаррир:

Саҳифаловчи:

Мусахҳих:

**Жамолиддин МУСЛИМ**

**Ғ. МУЛЛАБОЕВ**

**А. ТОШХОЖАЕВ**

**С. ЯҲЁЕВ**

Теришга 21.12.2006 йил берилди. Босишга 20.01.2007 йил рухсат этилди.  
Газета қоғозига оғсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми, 4,5  
босма табоқ. Адади 500 нусха. Буюртма № 790. Баҳоси келишилган нархда.

---

«Наманган» нашриёти. Наманган ш. Навоий кўчаси, Матбуот уйи, 3-қават.  
«Чуст босмахонаси» МЧЖ. Чуст шахри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.